

## Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 457-ҳадис

54- **Аллоҳдан кўрқиб йиғлаш ҳамда Унга интилишнинг фазилати ҳақида**

54-боб

Аллоҳдан кўрқиб йиғлаш ҳамда Унга интилишнинг фазилати ҳақида

Аллоҳдан кўрқиб йиғлаш ҳамда Унга интилишнинг фазилати ҳақида

Аллоҳдан кўрқиб йиғлаш ҳамда Унга интилишнинг фазилати ҳақида

Аллоҳ таоло: «Улар йиғлаган ҳолларида юзлари билан йиқилурлар ва (Қуръон) уларнинг хокисорликларини зиёда қилур» (Исро сураси, 109-оят).

«(Эй мушриклар), ҳали сизлар мана шу сўздан (Қуръондан) ажабланурсизларми? (Ундаги оятларнинг беназир ва бемисл ўғит-насихатларидан таъсирланиб) йиғламасдан, ғофил бўлган ҳолларингизда кулурсизларми?» (Нажм сураси, 59-60-оятлар) деб айтган.

457 - **Аллоҳдан кўрқиб йиғлаш ҳамда Унга интилишнинг фазилати ҳақида**

1. Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Менга Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «**Менга Қуръон қироат қилиб бер**», дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг расули, сизга Қуръон ўқиб бераманми? Ваҳоланки, Қуръон ўзингизга нозил қилинган бўлса», десам, у

зот: «**Мен Қуръонни ўзимдан бошқа кишидан эшитмоқни яхши кўраман**», дедилар. Шунда мен «Нисо» сурасининг қуйидаги ояти «(Эй Муҳаммад), **Биз ҳар бир умматдан (ўша умматнинг пайғамбарини) гувоҳ келтирганимизда ва сизни ана уларга қарши гувоҳ қилганимизда, уларнинг ҳоли не кечур?**» оятига етсам, у зот: «**Ҳозирча кифоя қилади**», дедилар. Кейин у зотга назар солсам, икки кўзларидан ёш қуйилаётган экан».

*Муттафақун алайҳ.*

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

